



## АНДИЖОН ВИЛОЯТИДАГИ КОРХОНАЛАРДА ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ШАХСЛАР УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ МЕХАНИЗМИ

doi: [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a79](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a79)

**Рашидов Диловар Нажмиддинович -**  
Тошкент давлат транспорт университети  
катта ўқитувчиси

**Рахматов Зиёдулло Носирович -**  
Тошкент давлат транспорт университети  
PhD, доцент в.б.

**Умарова Дилфузза Раҳматуллаевна -**  
Тошкент давлат транспорт университети  
катта ўқитувчиси

**Кадирова Шарофат Амановна -**  
Тошкент давлат транспорт университети  
катта ўқитувчиси

**Аннотация.** Андижон вилоятидаги 10 та қўзи ожизлар учун корхоналар, 1 та карлар жамияти, 3 та ногиронлар жамияти ва 3 та ногиронлар ассоциацияси, жами бўлиб ногиронлар учун ихтисослаштирилган 17 та корхоналар фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган ишчи комиссияси томонидан ўрганилган. Мақолада юқоридаги ўрганишлар натижасида тўпланган материаллар таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига асосланиб, вилоятдаги 17 та корхонада имконияти чекланган шахслар учун иш ўринларини кўпайтириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ҳамда корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** имконияти чекланган шахслар, ногиронлар, иш ўринлари, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасаррууфидаги корхоналар, меҳнат шароитлари, меҳнат бозори, корхоналар, ишлаб чиқариш, тўқимачилик, текстиль маҳсулотлари.

## МЕХАНИЗМ РАСШИРЕНИЯ ВОЗМОЖНОСТЕЙ ТРУДОУСТРОЙСТВА ЛЮДЕЙ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ В АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

**Рашидов Диловар Нажмиддинович -**  
старший преподаватель Ташкентского государственного  
транспортного университета

**Рахматов Зиёдулло Носирович -**  
PhD, и.о.доцент Ташкентского государственного  
транспортного университета

**Умарова Дилфузза Раҳматуллаевна -**  
старший преподаватель Ташкентского государственного  
транспортного университета

**Кадирова Шарофат Амановна -**  
старший преподаватель Ташкентского государственного  
транспортного университета

**Аннотация.** Рабочей комиссией, сформированной Кабинетом Министров Республики Узбекистан изучена деятельность всего 17 специализированных предприятий для инвалидов, из них 10 предприятий для слепых, 1 общества глухих, 3 обществ инвалидов и 3 объединений инвалидов в Андижанской области.

В статье анализируются материалы, собранные в результате вышеуказанных исследований. По результатам анализа разработаны предложения и рекомендации по увеличению количества рабочих мест для инвалидов на 17 предприятиях области, улучшению условий труда, увеличению производственных мощностей предприятий.

**Ключевые слова:** инвалиды, лица, с ограниченными способностями, рабочие места, предприятия объединений инвалидов, условия труда, рынок труда, предприятия, производство, текстиль, текстильная продукция.

MECHANISM TO INCREASE EMPLOYMENT OPPORTUNITIES FOR PEOPLE WITH DISABILITIES IN THE ANDIJAN REGION

**Rashidov Dilovar Najmuddinovich - senior lecturer, Tashkent State Transport University**

**Raxmatov Ziyodullo Nosirovich - PhD, associate professor, Tashkent State Transport University**

**Umarova Dilfuza Rahmatullayevna - senior lecturer, Tashkent State Transport University**

**Kadirova Sharofat Amanovna - senior lecturer, Tashkent State Transport University**

**Abstract.** A working committee formed by the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan studied the activities of a total of 17 specialized enterprises for the disabled, including 10 enterprises for the blind, 1 society for the deaf, 3 societies of the disabled and 3 associations of the disabled in Andijan region.

The article analyses the materials collected as a result of the above-mentioned research. Based on the results of the analysis, proposals and recommendations have been developed to increase the number of jobs for disabled people at 17 enterprises in the region, improve working conditions, and increase the production capacity of enterprises.

**Keywords:** persons with disabilities, jobs, enterprises of associations of persons with disabilities, working conditions, enterprises, production, textiles, textile products.

**Кириш.** Бугунги кунда республика бўйича 800 мингга яқин ногиронлар давлат рўйхатига олинган. Амалдаги қонунчиликка биноан ногиронлар одатдаги ташкилотларда ёки имконияти чекланган шахслар учун ташкил қилинган корхоналарда меҳнат қилишлари мумкин. Шунингдек, ногиронлар якка тартибдаги ёки бошқа турдаги меҳнат фаолияти билан ҳам шуғулланишлари мумкин.

Қонунчилик билан ногиронларнинг иш билан таъминланиши мустаҳкамлаб қўйилган бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда имконияти чекланган шахсларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд. Иш берувчилар томонидан ишчиларни ишга қабул қилишда ногиронларга иккинчи даражали ходимлар сифатида қараш ҳолатининг сақланиб қолинаётганлиги, ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналар сонининг камлиги ҳамда ушбу корхоналар аҳволининг ниҳоятда ачинарлилиги каби омиллар бунга сабаб бўлмоқда.

Андижон вилоятида ҳозирги кунда жами 17 та ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналар фаолият юритмоқда. Айтиш жоизки, республиканинг бошқа худудларидағи каби бу вилоятда ҳам бу корхоналар ҳавас қиласидан даражада фаолият юритмаяпти. Уларнинг фаолиятини яхшилаш, ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш кун тартибидаги охирги масалага тушиб қолган.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларига тўхталадиган бўлсак, бу йўналишдаги рақамлар ҳам ачинарли аҳволда. Корхоналардаги мавжуд имкониятлар, бинолар, ер майдонлари ва ҳоказолардан етарли даражада унумли фойдаланимаяпти. Натижада имконияти чекланган шахслар учун етарли даражада иш ўринлари яратилишига эришилмаяпти. Ногиронлар меҳнат қиласидан корхоналарда ишлаб чиқари-

лаётган маҳсулотлар тўғрисида тўхталиб ўтадиган бўлсак, бу маҳсулотларнинг асосий қисми давр талабига жавоб бермайди. Маҳсулотларнинг ассортименти чекланган. Шу билан бирга, харидорлар масаласида ҳам етарлича муаммолар мавжуд.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу корхоналарни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва бунинг натижасида ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш имкониятларини ўрганиш мақсадида мавжуд материаллар асосида уларнинг фаолияти ўрганилди.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Имконияти чекланган шахсларнинг бандлигини таъминлаш, улар учун инклузив иш ўринларини яратиш масалаларида хорижий ва МДҲ мамлакатларининг бир қанча олимлари томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Улар томонидан мазкур йўналишдаги муаммолар ўрганилган ва бу тизимни яхшилаш учун қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Буюк Британиялик олим Сайнсбери имконияти чекланган шахсларнинг бандлигини таъминлашда юзага келаётган муаммоларни ўрганиб чиқади. Олим бу муаммолар сифатида қўйидагиларни кўрсатади:

иқтисодиёт;

ногиронлиги мавжуд шахслар билан ишловчи ходимлар;

муносабат;

кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари;

миллий сиёсатнинг роли;

имкониятлар манзилининг тақчиллиги;

технологиялар.

Сайнсбери ўз тадқиқотида ногиронлар бандлигини таҳъминлаш юқоридаги келтирилган муаммоларнинг ечими билан боғлиқлигини таъкидлайди [1].

Яна бир олим Г.Талепорос (Австралия) ногиронлар учун иш ўринлари яратган корхона, ташкилот ва муассасаларни моддий рағбатлантириш масалаларини ўрганиб чиқади. Олим бу корхоналарнинг манфаатдорлигини ошириш мақсадида уларга маълум миқдорда пул шаклидаги компенсация беришни таклиф қиласди [2].

Шуляева Алефтина Владиславовна (Россия) имконияти чекланган шахсларнинг бандлигини таъминлашдаги муаммоларнинг ечими бўйича тадқиқот олиб боради. Олима ногиронлар учун мавжуд иш ўринлари ва давлат дастурлари тўғрисида, шунингдек, иш берувчилар учун иш қидираётган ногиронлар тўғрисида информацион тизим яратишни, ногиронларнинг якка тартибдаги меҳнатини ривожлантириш, имконияти чекланган шахсларни одатий иш ўринларига интеграция қилиш учун корхоналарни модернизация қилиш, жамият дикқатини ногиронларнинг иш жойидаги ҳақиқий имкониятларига қаратишни таклиф қиласди[3].

Доғистонлик олималар П.Р.Алиева ва Ф.И.Мирзабалаева худудда имконияти чекланган шахслар учун лойиқ иш ўринларини кўпайтириш масалаларини ўрганадилар. Муаллифлар меҳнат бозорида ногиронларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини икки гуруҳга бўладилар. Булар: анъанавий ва маҳсус чора-тадбирлар. Анъанавий чора-тадбирларга ногиронларнинг ўқиши харажатларини давлат томонидан қоплаш, уй меҳнати билан шуғулланадиган ногиронларни қўллаб-қувватлаш, ўзини-ўзи банд қилганларни рағбатлантириш, маҳсус чора-тадбирларга эса ногиронлар учун масофавий иш ўринларини ривожлантириш, қишлоқ жойларида ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш кабилар кўрсатиб ўтилган [4].

Россиялик олима А.В.Арбуз замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитда имконияти чекланган шахсларнинг ишга жойлашишида

ҳамкорлик қилиш механизмларини ишлаб чиқади. Олима ногиронларни ишга жойлаширишда бу жараёнда иштирок этадиган турли субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш имконияти чекланган шахсларни меҳнат билан банд қилиш масалаларини тезлаштиришини таъминлашини таъкидлайди. Шу билан бирга, бу жараёнга консультатив ва психологик хизматларини кўрсатувчи жамоат ташкилотларини ҳам жалб қилишни таклиф қиласди [5].

Олималар А.А.Шабунова ва Л.Н.Фахрадова (Россия) ногиронларни ишга жойлашириш муаммолари устида тадқиқот олиб борганлар. Улар асосий таклифлар сифатида захираланган иш ўринлари устидан назоратни кучайтириш, ногиронларни ишга қабул қилган иш берувчиларни иқтисодий рағбатлантириш, бутун мамлакат бўйича ишсиз ногиронлар реестрини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтишган[6].

**Тадқиқот методикаси.** Хукумат томонидан тузилган ишчи комиссияси томонидан Андижон вилоятида жойлашган жами 17 та ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналар фаолияти атрофлича ўрганилган.

Тадқиқотдан кўзланган мақсад ҳукумат ишчи комиссияси томонидан тўпланган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ногиронлар учун янги иш ўринларини яратишида, шу мақсадда дастурлар, чора-тадбирлар ва қарорлар ишлаб чиқишида таклиф ва тавсиялар тайёрлашдан иборат.

**Таҳлили ва натижалар.** Ҳозирги кунда Андижон вилоятида имконияти чекланган шахслар учун 17 та ихтисослаштирилган корхона мавжуд. Бу корхоналарда жами 229 нафар ишчи меҳнат билан банд бўлиб, шундан 142 нафарини ногиронлар ташкил қиласди. Корхоналардаги ишчиларнинг ўртача сони, асосан, 3-6 нафарни ташкил қиласди. Лекин кўпроқ ишчи ходимларга эга бўлган корхоналар ҳам мавжуд.

## 1-жадвал

### **Вилоятдаги ишчи-ходимлари сони нисбатан кўпроқ бўлган корхоналар (ногиронлар учун ихтисослаштирилган) тўғрисида маълумот**

№	Корхона номи	Ташкил топган йили	Ишчи-ходимлар сони		Фаолият тури
			Жами	Шундан ногиронлар	
1.	ЎзКОЖ га қарашли “Андижон” ЎИЧК МЧЖ	1933	56	36	Матрас, майший пахта, бўз ва тикив маҳсулотлари ишлаб чиқариш
2.	ЎзКОЖ га қарашли “Гўзал юрт равнақи” ЎИЧК МЧЖ	2019	10	8	Матрас, майший пахта, бўз ва тикив маҳсулотлари ишлаб чиқариш
3.	ЎзКОЖ га қарашли “Бест Коттон” МЧЖ	2012	8	5	Матрас, майший пахта, бўз ва тикив маҳсулотлари ишлаб чиқариш
4.	ЎзКОЖ га қарашли “Олтинқўл Зиё” ЎИЧК МЧЖ	2015	15	11	Матрас, майший пахта, бўз ва тикив маҳсулотлари ишлаб чиқариш
5.	ЎзКОЖ га қарашли “Кож Асака Қалб Қўзи” ЎИЧК МЧЖ	2021	7	7	Матрас, кўрпа-тўшак, ёстиқ, қаттиқ ва юмшоқ мебеллар ишлаб чиқариш

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Имконияти чекланган шахслар учун ихтиослаштирилган корхоналарнинг фаолият турлари таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра, уларнинг деярли барчаси бир фаолият тури, яъни матрас, майший пахта, бўз ва тикув маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари маълум бўлди. Корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг бир хиллиги эътиборни жалб қиласди. Бу ҳолатдан корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда тегишли тартибда талаб ва таклиф ҳамда аҳолининг

эҳтиёжлари ўрганилмасдан, шомша-шошарлик билан ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, деган холосага келиш мумкин бўлади. Бунинг натижасида эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозорда ўз ўрнини топмасдан келмоқда.

Умуман олганда, барча корхоналарнинг аҳволи хароб ҳолатда. Корхоналарнинг жуда кичик қисмигина фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқариш воситалари маънан эскирган биноларнинг бир қисми авария ҳолатига келиб қолган.



**1-расм. Андижон шаҳридаги ЎзКОЖ га қарашли “Андижон” ЎИЧК МЧЖ биноларининг ташқи кўриниши**

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Расмлардан кўриниб турганидек, биноиншоотлар узоқ йиллар давомида жорий ёки капитал таъмирдан чиқарилмаган. Худди шу-

нингдек, асбоб-ускуналарнинг ҳам катта қисми таъмрталаб аҳволда эканлиги ачинарли ҳолат.



**2-расм. Шаҳриҳон туманидаги ЎзКОЖ га қарашли “Улуғ мақсад нури” ЎИЧК МЧЖ биноларининг ташқи кўриниши**

**Манба:** муаллифлар томонидан ишлаб чиқилди.

Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли “Андижон” ЎИЧК МЧЖ фаолияти ўрганилганда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сотишида соғлом корхоналарга рақобат қила олмаётганилиги, ходимларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги маълум бўлди. Шу билан бир қаторда, шу ерда ётиб ишлаш истагида бўлганлар учун

ётоқхона мавжуд эмас. Бу ҳолатлар корхонанинг фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келмоқда.

Таҳлиллар давомида айрим корхоналарнинг шаҳар маркази ва одам гавжум жойларда жойлашганлиги, бу нарса эса аҳолининг чанг ва шовқин юзасидан эътиrozларига сабаб бўлаёт-

ганлиги маълум бўлди. Бу корхоналар қуидагилар:

- ✓ Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Гўзал юрт равнақи" ЎИЧК МЧЖ;
- ✓ Шаҳрихон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Улуғ мақсад нури" ЎИЧК МЧЖ;
- ✓ Асака туманидаги ЎзКОЖга қарашли "Кож Асака қалб кўзи" ЎИЧК МЧЖ;
- ✓ Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Андижон гулшани" шуъба корхонаси;
- ✓ Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Шамс карвон" шуъба корхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Ногиронлар жамиятига қарашли Андижон туманидаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи "Омад" МЧЖдаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Корхона 2003 йилда ташкил этилганлигига қарамасан, бугунги кунгача офис учун бино ва ўз ер майдонига эга эмас.

Тадқиқот давомида аниқланган муаммолардан яна бири айrim корхоналарда пахта хомашёси, тола ва линтнинг етишмаслигидир. Булар:

- Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Андижон" ЎИЧК МЧЖ;
- Андижон шаҳридаги ЎзКОЖга қарашли "Гўзал юрт равнақи" ЎИЧК МЧЖ;
- Асака туманидаги ЎзКОЖ "Кож Асака қалб кўзи" ЎИЧК МЧЖ;
- Андижон шаҳридаги ЎзКОЖ "Андижон гулшани" шуъба корхонаси;
- Андижон шаҳридаги ЎзКОЖ "Бест коттон" шуъба корхонаси;
- Андижон шаҳридаги ЎзКОЖ "Шамс карвон" шуъба корхонаси;
- Олтинкўл туманидаги ЎзКОЖ "Олтинкўл зиё" ЎИЧК МЧЖ.

Ўз навбатида, пахта хомашёси, тола ва линтнинг етишмаслиги ишлаб чиқариш ҳажми-

нинг камайишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шундан келиб чиқиб, бу йўналишда ҳам зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш лозим бўлади.

**Хулоса ва таклифлар.** Андижон вилоятидаги имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган корхоналарда иш ўринларини кўпайтириш учун қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш таклиф этилади:

- ❖ имконияти чекланган шахсларга ихтиослаштирилган корхоналар учун хомашёларни ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш;

- ❖ бозордаги талабдан келиб чиқсан ҳолда айrim корхоналарнинг фаолият турини ўзгартириш;

- ❖ ЎзКОЖга қарашли "Гўзал юрт равнақи" ЎИЧК МЧЖ, "Улуғ мақсад нури" ЎИЧК МЧЖ, "Кож Асака қалб кўзи" ЎИЧК МЧЖ, "Андижон гулшани" шуъба корхонаси ва "Шамс карвон" шуъба корхоналари шаҳар марказида жойлашганлиги сабабли аҳолининг чанг ва шовқиндан эътиrozлари бўлаётганлигини инобатга олиб, бу корхоналар учун шаҳар атрофидан ер майдонлари ҳамда бино-иншоотлар ажратиш бўйича тегишли ҳокимликларга таклиф киритиш;

- ❖ корхоналарда қўшимча даромад турларини ташкил этиш мақсадида айrim ишчиларни қайта тайёрлаш ва массажчилик, косметология каби замонавий касбларга ўқитиши.

- ❖ корхоналарнинг қарздорлигини тугатиш мақсадида узоқ муддатли фоизсиз кредитлар ажратиш.

Юқоридаги келтириб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш имконияти чекланган шахслар учун қўшимча иш ўринлари яратилишига, шунингдек, меҳнат шароитларининг яхшиланишига имконият яратади.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sainsbury R. Labour market participation of persons with disabilities – how can Europe close the disability employment gap? // The Right to Work of Persons with Disabilities – International Perspectives University of Kassel, 8-10 March 2017. URL:[http://www.the-right-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09\\_03\\_2017\\_Kassel.pdf](http://www.the-right-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09_03_2017_Kassel.pdf)
2. Taleporos G. Employment and Disability: a complex problem with no simple solution. // Ramp Up. Disability. Discussion. Debate. URL: <http://www.abc.net.au/rampup/articles/2014/01/13/3922428.htm>
3. Шуляева А.В. Решение проблем в профессиональном образовании и трудуустройстве лиц с ограниченными возможностями здоровья – инвалидов. Власть и управление на Востоке России, (4 (81)), 121-127. 2017.
4. Алиева П.Р. & Мирзабалаева Ф.И. Проблемы создания достойной трудовой среды в трудоизбыточном регионе для людей с ограниченными возможностями. Региональная экономика: теория и практика, (39), 62-69. 2014.
5. Арбуз А.В. Механизм содействия трудуустройству лиц с ограниченными возможностями здоровья в современных социально-экономических условиях. Вестник Омского университета. Серия «Экономика», (2), 143-156. 2019.
6. Шабунова А.А., & Фахрадова Л.Н. Актуальные проблемы трудуустройства инвалидов. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз, (6 (48)), 126-142. 2016.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳукуқлари тўғрисида"ги ЎРҚ-641-сонли қонуни.
8. Рахматов З. Маркетинг – бозор фаолиятининг иқтисодий хафвасизлигини таъминлаш воситаси сифатида. Мамлакат иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари, 1 (2), 4. 2019. Извлечено от: [https://ejournal.tsue.uz/index.php/iqtisodiy\\_xavfsizlik/article/view/20](https://ejournal.tsue.uz/index.php/iqtisodiy_xavfsizlik/article/view/20)
9. Рашидов Д.Н. & Холбоев Й.А. Корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун иш ўринларини йўналишлар кесимида захиралашнинг самарадорлигини ошириш. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 73-78. 2022. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-73-78

10. Kadirova Sh.A., Xolboev A.O. Sanoat ishlab chiqarish korxonalarida moddiy resurslarni rejalashtirish va ulardan tejamli foydalanish. // Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики. 2022. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sanoat-ishlab-chiqarish-korxonalarida-moddiy-resurslarni-rejalashtirish-va-ulardan-tejamli-foydalanish> (дата обращения: 27.04.2023).
11. Рахматов З.Н. & Рашидов Д.Н. Пути совершенствования механизма разработки маркетинговой стратегии АО «Ўзтемирийўлўвочи». INNOVATIVE ACHIEVEMENTS IN SCIENCE 2022, 2 (17), 55-60. 2023.
12. Зиёдулла Р. ZR Решение проблемы на рынке пассажироперевозки через маркетинговые коммуникации. Архив научных исследований, 1 (21). 2020. Извлечено от <https://tsue.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2110>
13. Рашидов Д. Ўзбекистонда инклузив меҳнат бозори истиқболлари: аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштириш учун иш ўринларини захиралаш: ҳолат, муаммолар ва таклифлар. 2022. Scienceweb academic papers collection.
14. Умарова Д.Р. & Егамбердиева Х.А. Оценка готовности вуза к будущим вызовам рынка труда. In Проблеми інтеграції освіти, науки та бізнесу в умовах глобалізації. Київський національний університет технологій та дизайну. 2021.
15. Rashidov D.N., Kadirova Sh.A. & Karimova Z.A. Mehmat bozorida teng shartlarda raqobatlasha olmaydiganlar, ayniqsa, nogironlarni zaxiralangan ish o'rinaliga ishga joylashtirish muammolari. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 2), 281-285. 2022.
16. Рахматов З. & Эргашев Ш. Значение технологии блокчейн в повышении эффективности процесса грузоперевозок в АО «Ўзбекистон темир йўллари». // Экономика и образование, 24 (1), 499-504. 2023. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/984>.
17. Odilov A.K., Umarova D.R. & Ulmasova L.O. 4-sanoat inqilobi davrida inson resurslari tenejmentining roli va uning kelajakadagi istiqbollari. Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики, 1 (1), 5-9. 2022. doi: 10.24412/cl-36899-2022-1-5-9
18. Кадирова Ш.А., Бустанов Х.Г. Роль менеджмента в развитии предпринимательства в современных рыночных условиях. // Трансформация моделей корпоративного управления в условиях цифровой экономики. 2022. № 1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-menedzhmenta-v-razvitiu-predprinimatelstva-v-sovremennyh-rynochnyh-usloviyah> (дата обращения: 27.04.2023).



### ЖАҲОНДА КАМБАҒАЛЛИК МУАММОСИ, УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНИЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Азизова Малиха Фаррух қизи  
ЎзМУ иқтисодиёт факултети  
ўқитувчиси

doi: [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a80](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a80)

**Аннотация.** Жаҳонда камбағаллик муаммоси, келиб чиқиши сабаблари ва иқтисодий оқибатларини чуқур ўрганиб, шу билан бирга, камбағалликни қисқартиши ва иқтисодий барқарорликка эришиши бўйича хориж тажрибалари таҳлил қилиниб, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиши ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича илмий-услубий ва амалий тақлиф ва тавсиялар келтирилган.

**Ключевые слова:** камбағаллик, қашшоқлик, аҳоли турмуш даражаси, аҳоли даромадлари, аҳолининг табакалашуви,

### ПРОБЛЕМА БЕДНОСТИ В МИРЕ, НАПРАВЛЕНИЯ ЕЕ ЛИКВИДАЦИИ И ПОВЫШЕНИЯ БЛАГОСОСТОЯНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Азизова Малиха Фаррух қизи  
Преподаватель экономического факультета УзМУ

**Аннотация.** Глубоко изучив проблему бедности в мире, ее причины и экономические последствия, в то же время, проанализировав зарубежный опыт сокращения бедности и достижения экономической стабильности, представлены научно-методические и практические предложения и рекомендации по сокращению бедности и улучшению жизни населения. положение населения в нашей стране.

**Ключевые слова:** бедность, уровень жизни населения, доходы населения, расслоение населения,

### THE PROBLEM OF POVERTY IN THE WORLD, ITS ELIMINATION AND PEOPLE'S LIVELIHOOD WAYS TO IMPROVE WELL-BEING

Azizova Maliha Farrux kizi  
Teacher of the Faculty of Economics of UzMU

**Annotation.** Having deeply studied the problem of poverty in the world, its causes and economic consequences, at the same time, analyzing foreign experiences in reducing poverty and achieving economic stability, scientific-methodical and practical suggestions and recommendations are presented for reducing poverty and improving the living conditions of the population in our country.

**Keywords:** poverty, standard of living of the population, income of the population, stratification of the population,